ЗАҲИРИДДИН
МУҲАММАД БОБУР
НОМИДАГИ АНДИЖОН
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Гуманитар тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Humanitarian Studies

2020/ №5(49)

Андижон
2020 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
Серия: Гуманитар тадқиқотлар

Журнал бир йилда
8 марта (серия 2 марта)
чоп этилади

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва Оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил
17 августда 1097 рақами билан
рўйхатга олинган

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих,
филология, педагогика, кимё ва
биология фанлари бўйича Олий
аттестация комиссиясининг
диссертациялар натижалари юзасидан
илмий мақолалар эълон қилиниши
лозим бўлган нашрлар рўйхатига
киритилган.

Босишга рухсат этилди: 28.08.2020
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:

«Муҳаррир» нашриёти матбаа
бўлимида чоп этилди.

Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси 7-уй.

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.
Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru
Расмий сайт: www.xabarnoma.adu.uz

Таҳрир ҳайъати раиси:
Расулов Бахтиёр Махмуджонович – тарих фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Фалсафа
Саифназаров Исмоил Саифназарович – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Иззетова Эмине Мустафаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Маҳмудова Гули Тилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юлдашева Фарида Хужамқуловна – фалсафа фанлари доктори, (Андижон, Ўзбекистон)
Когай Евгения Анатольевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Курск, Россия)
Нуришева Гульжихан Жумабаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Шарипова Эркайим Козуевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)

Тарих
Шамсутдинов Рустамбек Темирович – тарих фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович – тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Асқаров Аҳмадали Асқарович – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон)
Расулов Абдулла Нуритдинович – тарих фанлари доктори, профессор (Наманган, Ўзбекистон)
Амелин Веналий Владимирович – тарих фанлари доктори, профессор (Оренбург, Россия)
Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич – тарих фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Кененсариев Ташманбет Кененсариевич – тарих фанлари доктори, профессор (Бишкек, Қирғизистон)

Адабиётшунослик
Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович – педагогика фанлари доктори, профессор (Гулистон, Ўзбекистон)
Тўхлиев Боқижон – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Каримов Баҳодир Нурметович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Қосимов Абдуғопир Абдукаримович – филология фанлари доктори (Фарғона, Ўзбекистон)
Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович - филология фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)
Кунафин Гиниятулла Сафиуллович – филология фанлари доктори, профессор (Уфа, Россия)
Ҳусейн Бойдемир – филология фанлари доктори, профессор (Эрзрум, Туркия)
Абдуқодиров Абдусалом – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Вали Саваш Йелок – филология фанлари доктори (Анқара, Туркия)

Тилшунослик
Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Ҳошимов Ғанижон Мирзаахмедович – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Набиева Дилора Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Алифриенко Николай Федорович – филология фанлари доктори, профессор (Москва, Россия)
Зулпикаров Капар Зулпикарович – филология фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)
Бердиалиев Абдували – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Фатма Очик – филология фанлари доктори, профессор (Анқара, Туркия)

Муҳаррир:
Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

ФАЛСАФА

М.Н.АБДУЛЛАЕВА, Г.Ғ ҒАФФАРОВА
Муҳаббат муаммоси замонавий фалсафа призмасида 5

Г.Т.МАҲМУДОВА
«Таълимдан – дунёқарашга» ижтимоий тараққиёт парадигмаси 10

А.А.ЭГАМБЕРДИЕВ
Олий таълим трансформациясини тадқиқ этишнинг айрим назарий муаммолари.....17

ТАРИХ

М.Ғ.АБДУЛЛАЕВ
«Бобурнома» асарида хронология ва метрология.....25

Г.Б.НОРМУРОДОВА
Бухоро жадидлари ижтимоий бирдамлик йўлида 33

А.МАМАЖОНОВ
Юртдошларимизнинг Европа ҳудудида фашизмга қарши курашдаги иштироки.....40

Н.Б.КОМИЛОВ
Жадид Обиджон Маҳмудовнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий қарашлари 47

М.Ҳ.ҒОЗИЕВ
Фарғона водийси чорвачилиги тарихидан (XIX аср охири – XX аср бошлари).....55

А.А.АБДУХАЛИМОВ
Фарғона водийси қишлоқларида умумтаълим мактаблари.....61

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.Ч.ИГАМУРАТОВА
А.Некрасовнинг «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари» қиссасидаги
«гапирувчи» номлар таржимасининг ўзига хосликлари.....68

Н.Х.ШАРАФИДДИНОВА
Ритмо-фонетик фигура компонетлари ва уларнинг ўрни 76

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Х.ШАҲОБИДДИНОВА, Д.Ш.ЭГАМНАЗАРОВА
Гапнинг актуал бўлиниши назарияси тадқиқининг
тарихи ҳамда асосий йўналишлари 84

Н.Д.ШИРИНОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида предметлик ва белги-хусусият
маъноларини фарқлашда градуонимик муносабатлар 93

Г.З.РОЗИҚОВА
Маҳмуд Кошғарий «Девон»ида шахс денотатли лексемалар синонимияси.....102

Ў.Ҳ.ИСЛАМОВ
Фасоҳатли нутқни юзага келтирувчи омиллар.....109

Ш.М.СУЛТОНОВА
Диний лексика диний фразеологик бирликларнинг таркибий қисми сифатида.....115

Д.А.РУСТАМОВ
Лисоний қиймат ва мулоқот жараёни.....122

Д.Н.САТИМОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида сленг-лексема ва унинг семик таҳлили 130

Н.Р.АМОНТУРДИЕВ
Ўзбек тилининг умумий изоҳли луғатларида этнолексемалар берилишининг қиёсий таҳлили 138

D.A.SOBIROVA
Bolalar she'riyatida alliteratsiya 145

CONTENTS

PHILOSOPHY

M.N.ABDULLAEVA, G.G.GAFFAROVA
The cognitive system of sufism in the prism of modern philosophy 5

G.T.MAKHMUDOVA
From education to worldview is a paradigm of social development 10

A.A.EGAMBERDIEV
Study of some theoretical problems of higher education transformation..... 17

HISTORY

M.G.ABDULLAEV
Chronology and metrology in «Babur-name» 25

G.B.NORMURODOVA
Jadids of Bukhara on the way to social solidarity 33

A.MAMAJONOV
Participation of our countries in the struggle against fascism in Europe 40

N.B.KOMILOV
Socio-political and economic views of jadid Obidjon Makhmudov 47

M.H.GOZIEV
Ferghana valley livestock history (End of the XIXth - beginning of the XXth) 55

A.A.ABDUKHALIMOV
Secondary schools in the villages of the fergana valley 61

LITERARY STUDIES

D.Ch.IGAMURATOVA
Peculiarities of the translation of «speaker» names in A.Nekrasov's story «The adventures of captain Vrungel» 68

N.X.SHARAFIDDINOVA
Components and the place of rhithm-phonetic figures 76

LINGUISTICS

Sh.H.SHAHOBIDDINOVA, D.Sh.EGAMNAZAROVA
History and main directions of the study of the theory of the actual division of the sentence 84

N.D.SHIRINOVA
Gradual relations in demarcation of substance and attributive meanings in english and uzbek languages..... 93

G.Z.ROZIKOVA
Synonymy of lexemes with person denotatum in «Devon» of Mahmud Koshgari 102

O'.H.ISLAMOV
The factors creating eloquent speech 109

SH.M.SULTANOVA
Religious vocabulary as an integral part of religious phraseological units 115

D.A.RUSTAMOV
Language value and the communication process 122

D.N.SATIMOVA
Slang-lexeme and its semantic analysis in uzbek and english..... 130

N.R.AMONTURDIEV
Comparative analysis of the presentation of ethnolexemes in general dictionaries of the uzbek language 138

D.A.SOBIROVA
Alliteration in children's poetry..... 145

УДК: 811.111’362.811.512.133’362

ГАПНИНГ АКТУАЛ БЎЛИНИШИ НАЗАРИЯСИ ТАДҚИҚИНИНГ ТАРИХИ ҲАМДА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ш.Х.Шаҳобиддинова, Д.Ш.Эгамназарова

Актуал бўлинишнинг мулоқотдаги ролини чуқур тадқиқ қилиш замонавий матн тилшунослиги олдидаги долзарб вазифадир. Мақолада гапнинг актуал бўлиниши тарихи, назарий асослари ва тадқиқи йўналишлари тўғрисида гап боради; масала устида изланиш олиб борган тилшуносларнинг қарашлари, ўзига хос ёндашувларидаги умумий ва хусусий жиҳатлар баён этилади, таққосланади. Шунингдек, коммуникатив (актуал) тузилишининг гап семантикасидаги аҳамияти очиб берилади.

***Калит сўзлар**: коммуникатив таркиб, тема, рема, асос, ядро, психологик эга ва кесим, мантиқий урғу, интонация, сўз тартиби, коммуникатив динамизм.*

Углубленное изучение роли актуального членения в коммуникации является актуальной задачей современной лингвистики текста. В статье рассматривается история изученияактуального членения предложения, теоретические основы и направления исследований; взгляды лингвистов, проводивших исследования по данной проблеме, общие и особенные аспекты их своеобразных подходов описываются и сравниваются. Также выявлена значимость коммуникативной (актуальной) структуры в семантике предложения.

***Ключевые слова**: коммуникативное содержание, тема, рема, основа, ядро, психологический субъекти предикат, логическое ударение, интонация, порядок слов, коммуникативный динамизм.*

Сўнгги йилларда глобаллашув ва инновацион тараққиёт шароитида жамиятнинг барча жабҳаларида, шу қаторда илм-фаннинг турли соҳаларида ҳам жиддий ўзгаришлар ва ноанъанавий ёндашувлар асосидаги янгидан-янги тадқиқотлар дунё юзини кўрмоқда. Тилшунослик ривожининг структур-функционал босқичида асосий эътибор тилни тизим сифатида ўрганиш масаласига қаратилди, натижада мулоқот бирлиги бўлмиш гапнинг формал-грамматик жиҳатлари диққат марказида эди. Ўтган асрнинг иккинчи ярмига келиб эса антропоцентрик тенденциялар гапнинг прагматик-коммуникатив таркибига нисбатан қизиқишнинг янги поғоналарга кўтарилишига, пировард натижада эса ўзига хос ёндашувга асосланган тадқиқотларнинг сифат ва миқдорий жиҳатдан ўсишига туртки бўлди.

Изланишлар самараси ўлароқ, гапнинг актуал бўлиниши тўғрисидаги қарашлар янгича тамойиллар асосида ривожланди ва бугунги кунга келиб, матн тилшунослиги ва таржимашунослик соҳалари доирасида юзага келган бир қанча муаммоларнинг ечими учун яна ҳам долзарблик поғонасига кўтарилди. Зеро, гапнинг прагматик-коммуникатив жиҳатларининг формал-грамматик тузилишга нисбатан муносабатидаги умумий ва хусусий жиҳатларини, актуаллаштирувчи воситаларни тилнинг барча сатҳларида, айниқса, тиллараро чоғиштирма планда янада чуқурроқ ўрганиш турли лингвомаданият вакиллари ўртасидаги мулоқотда, у қандай кўринишда бўлмасин, коммуникатив мақсад нуқтаи назаридан адекватликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Гап қисмларининг актуаллашуви мулоқот самарадорлигини таъминлашда алоҳида ўрин тутади.

Гарчи гапнинг коммуникатив, яъни актуал бўлиниши тил универсалияси ҳисобланса-да [1. Б. 26], тилларнинг генеологик ва морфологик табиатидан келиб чиқиб, турли усуллар орқали юзага чиқади. Актуал бўлиниш тамойиллари асосида тузилган гап ёки қардош бўлмаган тиллар кесимида амалга оширилган таржима сўзловчи ёки муаллифнинг коммуникатив мақсадини тўғри ва рисоладагидек етказилиши гаровидир.

Жумланинг коммуникатив таркиби устидаги жиддий изланишлар қарийб уч аср аввал бошланган [2. Б. 123]. Бироқ О.Бозоров анча аввалроқ Дионисий Галикарнасский томонидан ушбу таълимот билан чамбарчас боғланган сўз тартиби ҳақидаги қарашлар илгари сурилганлиги, бироқ Рим империясининг инқирозга юз тутиши, ўрта асрларга келиб, черковнинг тазйиқи ва бошқа тарихий омиллар бу фикрлар ривожига тўсқинлик қилганини таъкидлайди. Фақатгина XVII аср ўрталарига келиб, П.Николнинг «Мантиқ ёки фикрлаш санъати», шунингдек, А.Арнонинг К.Лансело билан ҳамкорликдаги «Умумий ва рационал грамматика» асарларида бу мавзу юзасидан қимматли маълумотлар келтирилади. XIX аср олмон тадқиқотчилари С.Герлинг ва К.Беккерлар ҳам ушбу таълимот ривожига муҳим ҳисса қўшдилар [3. Б. 11].

Карль Беккер гапнинг маълум бўлакларини актуаллашуви ҳақида фикр юритар экан, актуаллаштирувчи воситалар ичида мантиқий урғуни энг универсали деб уқтиради. Бошқа воситалар, хусусан, инверсия грамматик формага таянгани учун имкониятлари барибир чегараланган бўлади, интонацияда эса бундай чеклов йўқ [3. Б. 83].

Жумлага нисбатан қўйилган бошланғич пункт ҳақидаги мазкур фикр гапга шунчаки сўзлар занжири сифатида эмас, балки информация оқимини етказиб берувчи тизим сифатида қарашимиз кераклигига туртки беради.

XIX аср охирига келиб, А.Вейл лотин ва грек тилларида сўз тартибининг ўзига хос жиҳатлари таҳлилига бағишланган тадқиқоти гапнинг актуал бўлиниши тўғрисидаги қарашларнинг яна ҳам ривожланишига туртки бўлди, десак муболаға бўлмайди [4. Б. 23 – 24]. А.Вейль таъриф бериб ўтган «хабар ва унинг бошланғич пункти» бугунги кунда турли хил терминлар билан аталади, бироқ уларнинг барчаси ҳам бир-бирининг ўрнига қўллана олиш хусусиятига эга эмас, фарқлар талайгина, уларга берилган айрим таърифлар эса мужмал. Энг кенг тарқалган терминлар қуйидагилардир: тема-рема, топик-коммент, топик-фокус, маълумянги [4. Б. 23]. Шу сабабга кўра, тема-рематик концепция деярли бир асрдан буён ўрганилаётган бўлса-да, альтернатив тушунчалар ўртасидаги чегаралар анча чалкаш, чунки бу борада изланиш олиб борган олимлар кўпинча тема-ремани турли жанрларда турли эврилишлар билан намоён бўлишини ҳисобга олмагандай гўё [4. Б. 24].

Ўнлаб етук олимлар А.Вейль назарияси асосида ўз қарашларини ишлаб чиқдилар. Бироқ Г.Габеленц, В.Матезиус ва М.А.К.Халлидей томонидан олиб борилган тадқиқотлар ўзига хос ёндашув услуби ва ўзларигача бўлган назарияларга нисбатан танқидий қарашларининг объективлиги билан ажралиб туради.

Георг Фон де Габеленц жумланинг коммуникатив тузилишига нисбатан антропоцентрик муносабат устун бўлган психологик жиҳатдан ёндашади ҳамда «психологик эга» ва «психологик кесим» тушунчаларини соҳа доирасида ишлатишни таклиф этади. Г.Пауль ҳам Габеленц фикрига қўшилган ҳолда, психологик эга сўзловчи онгида дастлаб пайдо бўлувчи фикр ёки фикрлар занжири, психологик кесим эса унга эргашиб келувчи тушунча эканлигини айтади. Бироқ масалага чуқурроқ ёндашар экан, олим ўзининг «Тил тарихи тамойиллари» китобида, сўзловчи кучли эмоционал ҳолат таъсири остида бўлса, эга эмас, балки кесим дастлаб фикрлар занжирини вужудга келтириши, бундай вазиятда эга иккинчи ўринга ўтиб қолиши ёхуд, умуман, тушиб қолиши мумкинлигини, бу ҳолат кўпинча эга тушунчаси суҳбат асносида алдақачон сўзловчи ва тингловчи онгида шаклланиб бўлган тақдирда юз беришини таъкидлаш орқали Габеленц назариясига бир мунча қўшила олмаслигини изоҳлайди [6. Б. 149 – 150].

К.Э.Кисс «Информацион структура тўғрисидаги илк назария» («Pioneering theory of information structure») номли мақоласида бу борада жуда ҳам қизиқ ва айтиш жоизки, умумэътироф этмаган маълумотларни беради. Унинг таъкидлашича, гапнинг коммуникатив структураси ва унинг психологик талқини, дастлаб, кўпчилик учун маълум бўлмаган венгриялик тилшунос Самуэль Брассаи томонидан XIX асрнинг II ярмида асосли далиллар орқали ўрганилган. Венгер тилининг синтактик хусусиятлари устида ишлар экан, Брассаи турли тизимдаги тиллар асосида гапнинг универсал ва типик (ўзига хос) хусусиятларини таҳлил қилишга ҳаракат қилди. Унинг фикрича, барча тил учун универсал хусусият «инхоатив ва асосий қисм» (inchovatium-bulk), яъни ҳозирги замон тилшунослиги тили билан айтганда, хабарнинг тема-рема таркибий қисмларига бўлинишидир. Брассаи Габеленц олиб борган изланишлар натижасини таҳлил қилар экан, қуйидаги хулосаларни илгари сурди:

биринчидан, Габеленц психологик эга ва кесим бир-биридан ажралмас тушунчаларми, ёки улардан бири гап таркибида тушиб қолиши ҳам мумкинми, деган муаммоли савол ечимсиз қолдирган;

иккинчидан, Габеленц психологик эга ва кесимни бир-биридан ажратиб кўрсатувчи воситаларни таҳлил қилмаган. Хусусан, айтиш мумкинки, венгер тилида асосий қисмнинг биринчи бўғинига урғу тушиши , француз ёки немис тилларида эса сўз тартиби мазкур масалада кўприк вазифасини ўтайди;

учинчидан, Габеленц психологик эга ва кесимнинг ўзига хос хусусиятлари (уларнинг асосан қандай воситалар ва қайси сўз туркумлари билан ифодаланиши)ни тўла очиб беролмаган.

Габеленц фикрича, психологик эга ҳар доим ягона таркибий қисмдан иборат, бироқ Брассаи мазкур ёндашувдан фарқли ўлароқ, психологик эга бир нечта таркибий қисм, ҳатто эргашган бўлакдан ҳам таркиб топиши мумкинлигини айтади [7. Б. 23 – 40].

Гапнинг коммуникатив структурасига нисбатан психологик ёндашув юқорида келтирилган ғоялар асосида рус тилшунослари томонидан ҳам ривожлантирилгани алоҳида эътиборга моликдир. Масала устида тадқиқот олиб борган кўплаб тадқиқотчилар Ф.Фортунатов ва А.М.Пешковский тадқиқотларида ҳам юқоридаги каби талқинларни учратиш мумкинлигини таъкидлайдилар. Хусусан, А.М.Пешковский бу борадаги фикрлари диққатга сазовор. Олим таъкидлашича, жумла контекстдан

айро ҳолатда, ҳар хил талқин қилиниши мумкин бўлган конструкция тусини олади. Ҳар қандай синтактик маъноси икки ёқлама бўлган гапларда маънони аниқ қилиб берувчи воситалар қуйидагилардир: 1) сўз тартиби; 2) интонация; 3) сўз бирикмаларининг ёндош шакллар билан ёки бошқа луғавий таркиб (бу ерда: контекст) билан ассоциацияси. Кесимнинг нафақат грамматик, балки психологик тушунча эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, фикрни сўзда етказиб бериш жараёнини тилнинг грамматик воситаларидан айро ҳолда ҳам таҳлил қилиш мумкин эканлигини кўрамиз. Бироқ психологик эга ва кесим грамматик эга ва кесим билан доим ҳам мос келавермаслигини ҳисобга олсак, уларнинг ташқи белгиларини аниқлаб берувчи омиллар ҳам жуда муҳим эканлигини кўрамиз. Шундай экан, ягона ташқи белги бу фраза урғуси бўлиб, айнан у психологик жиҳатдан асосий сўзни белгилаб беради [8. Б. 236 – 237].

Гапнинг коммуникатив таркиби борасидаги қарашлар атоқли чех тилшуноси В.Матезиус изланишлари самараси ўлароқ янги поғоналарга чиқди.

Э.Л.Пинг таъкидлашича, Прага мактаби тилшунослари тема ва рема тушунчалари устида тизимли ва кенг миқиёсда тадқиқот олиб боришни ўз мақсади деб билдилар. Мазкур мактабнинг диққат марказида функционализм, яъни «кўзланган натижага эришиш учун таҳлилчи қабул қилиши керак бўлган контекстга боғлиқ мураккаб ёндашув ва қарорлар» турар эди [4. Б. 25].

Прага мактаби тилшунослари олиб борган тадқиқотларнинг ўзига хос томони шуки, улар келгусидаги тадқиқотлар учун муҳим асос яратдилар ва гапнинг актуал бўлиниши ҳодисасини кенг қамровда таърифлаб бердилар. Е.А.Огиенко ўзининг «Гапнинг актуал бўлиниши ҳодисасининг генезиси ва шаклланиши: Прага лингвистик мактаби» мақоласида мактаб вакиллари изланишларини чуқур таҳлил қилади ва улар ўз тадқиқотларини қуйидаги беш ёндашув замирида олиб борганлигини таъкидлайди:

1) семантик (маълум ва янги омилига таяниб изланиш олиб борилган);

2) синтактик (гапнинг синтактик категорияларига асосланиб иш кўрилган);

3) логик-грамматик (мантиқий эга ва кесим тушунчалари тақдим этилган);

4) коммуникатив (сўзловчининг мақсадига кўра);

5) морфологик (тема ва рема тушунчалари сўз туркумлари билан боғлиқ ҳолда ўрганилган) [9. Б. 132 – 136]. Мазкур ёндашув асосчиси Вилем Матезиус жумланинг шакли, функцияси ва маъносига асосий эътиборини қаратди [4. Б. 25]. Матезиус формал бўлиниш гапни грамматик элементларга, актуал бўлиниш эса гапни объектив асосга қандай усулда киритилишини аниқлаб беришини таъкидлаб ўтади. Олимнинг таъкидлашича, тилшуносликда гапнинг коммуникатив структурасига доир талайгина ишлар қилинган бўлса-да, ҳали масала тизимли тарзда чуқур ўрганилганича йўқ. Тадқиқотларда жумланинг бошланғич пункти психологик эга, ядро эса психологик кесим дея атаб келинган, бироқ унинг изоҳига кўра бошланғич пункт бу – мазкур вазият учун маълум ёки тушунарли компонент, ядро эса сўзловчи етказадиган хабардир. В.Матезиус Г.А.Б ҳодисасини тиллардаги сўз тартиби билан боғлаб ўрганар экан, сўзни қандай тартибда келиши гапнинг коммуникатив структурасини қай томон йўналишини белгилаб беришини айтади. Тилшунос биринчилардан бўлиб, чех тили сўз тартибининг ўзига хос хусусиятларини инглиз тили билан қиёслаган ҳолда таҳлил қилди. У чех тилида сўз тартибини аниқловчи икки омилни кўрсатиб ўтди: бош омил (эга ва кесимнинг қандай нисбатда жойлашувига таъсир этувчи) ва ёрдамчи омиллар (эга ва кесимнинг жойлашувига таъсир ўтказмайдиган). Унинг кузатувларига кўра, чех тилида сўз тартиби эркинлиги билан ажралиб туради, шунинг учун ҳам сўз тартиби Г.А.Б учун асосий восита ҳисобланади. Инглиз тилида эса сўз тартиби грамматик воситаларга кўпроқ асосланади, яъни гапнинг синтактик структурасини фарқлаб берувчи воситадир. Шунинг учун ҳам сўз тартиби мазкур тилда турғун ва Г.А.Б учун восита бўла олмайди ва гапнинг бошланғич пункти грамматик эга, ядро қисми эса грамматик кесим билан ифодаланади. Матезиус, шунингдек, бир элементли гаплар устида ҳам изланди ва тема-рема жуфтлиги мавжуд гапларни «икки элементли», улардан бири тушиб қолган гапларни эса «бир элементли» гаплар дея атади. Бундай гаплар атов гаплар бўлиб, тўлиқсиз бўлишига қарамасдан коммуникация вазифасини юз фоиз бажараверади, масалан:

Қиш.
Зима.
Winter.

Кўриниб турибдики, мазкур гаплар тугалланган оҳанг билан айтилмоқда ва бирор элементнинг тушиб қолгани маънога кўра сезилмайди. Матезиус бир элементли гаплар сўзни иқтисод қилиш натижаси эканлигини айтади ва уларни икки турга ажратади:

1) гап фақат ремадан ташкил топади, тема эса сўзловчи ва тингловчига контекстдан маълум. Чех тилида кенг тарқалган, инглиз тили учун эса хос эмас;

2) гап фақат темадан ташкил топади ва сўзловчининг эмоционал ҳолати туфайли тугалланмаган ҳисобланади. Бундай гаплар тил қонуниятларига кўра тўғри эмас ва тўлиқ информацион функция-

сини бажара олмайдиган жумла фрагменти холос [9. Б. 23].

Матезиус илгари сурган ғоялар кўплаб чех ва жаҳон тилшуносларини ўзига жалб этди ва руҳлантирди, келгуси тадқиқотлар учун асос бўлди. Гапинг коммуникатив тузилиши тўғрисидаги қарашлар В.Матезиусга ҳамфикр издошлари томонидан давом эттирилди. Й.Филипец, Э.Бенеш, Л.Углиржова, Я.Фирбас, П.Адамец, П.Сгалл, Е.Гаичова сингари тилшунослар шулар жумласидандир [9. Б. 23].

Я.Фирбаснинг коммуникатив йўналишда олиб борган изланишлари айниқса диққатга сазовор. Фирбас В.Матезиуснинг немис тилидаги «Satzperspektive» атамасидан илҳомланади ва Й.Вачекнинг тавсиясига кўра «Гапнинг функционал перспективаси» терминини таклиф қилади. Я.Фирбас тақдим этган назариянинг моҳияти шундаки, инсоннинг қай тарзда фикрлаши ва жумланинг тартибий табиатига мувофиқ, гап элементлари, улар етказиб берувчи коммуникатив динамизм даражасига кўра, энг пастдан секин-аста энг юқори даражага ўтади. Маълум бир компонентнинг коммуникатив динамизм даражаси деганда, олим, жумланинг элементи мулоқотга ва информацион оқимнинг олға силжишига қай даражада ўз ҳиссасини қўша олиши мумкинлигини тушунади [11. Б. 56 – 58]. Коммуникатив динамизм шкаласига кўра, тема динамикаси энг паст, яъни унчалик ҳам фаол бўлмаган қисм бўлса, рема энг юқори, яъни фаол қисмдир [12]. Я.Фирбас ўз изланишларида морфологик ёндашувга асосланди. Унинг фикрича, семантик таркибига кўра гапнинг темаси вазифасида кела олиши мумкин бўлган сўз туркумлари бор. Бу гуруҳга олим эгалик, кўрсатиш, ўзлик олмошлари ва аниқ артиклни киритади [13. Б. 49 – 62]. Я.Фирбас, шунингдек, сўроқ гапларнинг функционал перспективасига эътибор қаратар экан, махсус сўроқ гапларда сўзловчининг маълумот олиш истаги фақатгина сўроқ олмошлари орқали амалга оширилиши мумкинлигини таъкидлайди. Умумий сўроқ гапларда эса мазкур функция феъл шакли орқали амалга оширилади [14. Б. 56 – 57].

П.Адамец олиб борган тадқиқотлар ҳам ўзига хосдир. Олим учун Г.А.Б – гапнинг актуал информация бериш мақсади билан қурилиши демак. Ҳар қандай гапда моддий ва актуал информация мавжуддир. Моддий информация объектив борлиқ тўғрисидаги лексик-синтактик структурага асосланувчи оддий ахборот. Актуал информация эса моддий информациянинг сўзловчи суҳбатдошига етказиб бермоқчи бўлган, мазкур мулоқотнинг мантиқий асосини ташкил қилувчи хусусиятидир. Актуал информациясиз коммуникация ҳеч қандай маънога эга эмас. Актуал бўлинишнинг элементлари Адамец фикрига кўра, асос (бошланғич пункт) ва ядро (фаоллашган бўлак) дея аталиши лозим [15. Б. 19 – 22].

Э.Бенеш гапнинг функционал перспективасини икки хил аспектини асослаб берди: гапнинг контекст билан муносабати ва структуравий тузилиши. Тадқиқотчи контекстга тобе, қисман тобе ва тобе бўлмаган бўлган гап турларини фарқлаб беради. Э.Бенеш фикрича, контекстга тобе бўлмаган гаплар тўлиқ, тугалланган оҳанг билан айтилувчи, маълум ахборотни етказишни назарда тутувчи, умуман олганда, «ким нима қилди?» саволига жавоб бўла олувчи ва нутқнинг асосини ташкил қилувчи гаплардир. Бундай гаплар тартибини олим шартли равишди «семантик тартиб» атамаси билан қўллайди.

Контекстга тобе гаплар эса контекст ва сўзловчи /тингловчи талабига мувофиқ келувчи сўз тартибининг окказионал модификацияга эгадир. Бундай сўз тартибини Бенеш «контекстуал тартиб» дея атади.

Қисман тобе гаплар контекстга бир томонлама қарам бўлиб, ўзидан олдинги ёки кейинги контекстсиз тўлиқ маъно англата олмайдилар. Бундай гапларни Бенеш икки хил турга ажратади: а) берилган саволга жавоб бўлиб хизмат қилувчи гаплар; б) кириш гаплар [16. Б. 267].

Рус тилшунослигида ҳам В.Матезиуснинг қарашлари кенг талқин этилди ва сезиларли даражада ривожлантирилди. Айниқса, актуал бўлиниш коммуникатив синтаксиснинг асосий масалаларидан бири бўлиб қолди. Масалан, И.П.Распопов фикрига кўра, актуал бўлиниш синтаксиснинг коммуникатив-синтактик сатҳ доирасига мансуб бўлиб, гапнинг коммуникатив вазифаси назарий синтаксиснинг муҳим масаласи ҳисобланади. Олим таъкидлайдики, жумланинг коммуникатив вазифасининг асосий юкини ўзига олган қисм марказий бўлакдир, шунингдек, жумла таркибидаги сўзлар тартиби унинг ички тузилишидан эмас, балки хабар мазмунидан келиб чиқади. Сўзларнинг тўғри тартиби услубий жиҳатдан нейтрал, инверсион тартиб эса бўёқдор ҳисобланади. Шунинг учун ҳам илмий ва расмий-иш услубида асосан тўғри тартиб, бадиий ва оғзаки нутқда кўпинча инверсион тартиб қўлланилади [17. Б. 37].

К.Г.Крушельницкая ҳам Г.А.Б масаласига теран ёндашади. Унинг фикрича, хабар предмети, яъни бошланғич пункт бу тингловчи учун «маълум» тушунча бўлиб, у ҳақда номаълум, яъни «янги» қисм хабар беради. Мана шу маълум ва янгининг бирикуви коммуникациянинг асосини ташкил қилади [18. Б. 54 – 58].

И.И.Ковтунова ҳам бир қатор мақолалари ва китобларида, хусусан, «Ҳозирги рус тили. Сўз тартиби ва гапнинг актуал бўлиниши» қўлланмасида масала устида атрофлича фикр юритади.

Тадқиқотчининг кузатувларига кўра, маълум гап коммуникатив мақсаддан келиб чиққан ҳолда турли маъно касб этиб, икки қисмдан иборат бўлади: тема ва рема. У ўз қарашларида Матезиуснинг қарашларини ҳимоя қилади ва гапнинг асосий хабар етказувчи қисми «янги», яъни рема қисми эканлигини таъкидлайди [19. Б. 6]. Гап бўлакларини актуаллаштирувчи асосий воситалар сўз тартиби ва интонация эканлиги, лекин бошқа омиллар ҳам мавжудлиги (юкламалар, хусусан, рус тилида «а», «же» юкламалари темани ажратиб кўрсатса, «только» «лишь» юкламалари ремани белгилаб беради) Ковтунованинг эътиборидан четда қолмайди [19. Б. 12]. Ковтунова кўпчилик лингвистлар томонидан қўллаб келинган «маълум» ва «янги» тушунчалари «тема» ва «рема» жуфтлиги билан айнан бир хил тушунча эмаслигини қатъий таъкидлайди. Унинг фикрича, муайян жумлаларда тема доим ҳам маълум, рема эса янги қисмлар билан мос келмай қолиши мумкин [19. Б. 42]. Бундан ташқари, гапнинг актуал бўлакларга бўлиниши сўз тартиби масаласи билан ҳам узвий боғлиқ. Сўз тартиби ўзгариши билан гап унсурларининг коммуникатив вазифалари ва функциялари ҳам ўзгаради. Ковтунова, шунингдек, йиғиқ ва ёйиқ гапларда актуал бўлиниш, сўз туркумларининг мазкур жараёндаги роли, турли жанрларда актуал бўлинишнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида ҳам батафсил маълумот беради. Тадқиқотчининг масала ривожига қўшган ҳиссаси беқиёс, айнан Ковтунова яратган қўлланмалар рус тилининг коммуникатив синтаксиси соҳасида энг сермаҳсул ва фойдали манба бўлиб қолди, десак муболаға бўлмайди.

О.А.Лаптева эса Г.А.Б концепцияси тилнинг қайси соҳасига тегишли эканлиги масаласи ҳали ечимини топмаганини, турли тизимдаги тилларнинг барчаси учун универсал ечим топиш масаласи ҳозирги замон тилшунослиги олдида турган муаммолардан бири эканлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, актуаллашув реал текстда доим ҳам мавжуд деб бўлмайди, шу орқали (қизиқки) Г.А.Б ҳодисасининг маълум тил сатҳида мавжуд эканлигига ҳам шубҳа билан қарайди [20. Б. 35 – 47]. Унинг асосий эътибори сўзлашув нутқидаги сўроқ, буйруқ, ҳис-ҳаяжон гапларнинг «асос» ва «ядро» қисмлари шаклланишининг муаммоли томонларида бўлди [21. Б. 160 – 165].

Г.А.Б бўлиниши концепцияси борасида Т.М.Николаева ҳам мунозарали изланишлар олиб борди. Унинг таъкидлашича, Г.А.Б қуйидаги уч таркибий жиҳатдан бирини ўз ичига олади: 1) зарурий икки қисмлилик (тема-рема); 2) тернар (уч қисмли таркиб бунда: тема-ремага ўтиш қисми-рема); 3) жумланинг маъно сифатида акс этувчи градуал ўсиш ёки пасайиш бўлиб, мазкур феномен учун алоҳида термин мавжуд эмас [22. Б. 48 – 54]. Т.М.Николаева ҳам О.А.Лаптева сингари Г.А.Б. ҳодисаси тилнинг қайси соҳасига тегишли эканлиги муаммоли масала эканлигини айтади. Тадқиқотчи, шунингдек, актуал бўлиниш нафақат гап, балки матн кўламида ўрганилиши зарурлигини айтади. Дарҳақиқат, Т.М.Николаева фикрларига қўшилган ҳолда айтиш керакки, нафақат синтактик, балки суперсинтактик бирликларнинг коммуникатив структурасини чуқур таҳлил қилиш ҳозирги замон тилшунослигининг муҳим масалаларидан биридир.

Прага тилшунослик мактаби тадқиқотчиларининг Г.А.Б. устида олиб борган изланишлари натижаларининг чуқур таҳлили самараси ўлароқ, хулоса қилиш мумкинки, айнан В.Матезиус ва унинг издошлари Г.А.Б.концепциясини асл лингвистик доирага олиб чиқа олдилар, терминологик, назарий ва эмпирик базани шакллантирдилар ва энг асосийси, гапнинг коммуникатив тузилиши ва коммуникатив синтаксис доирасида олиб борилажак изланишлар учун асос яратдилар, йўналиш ишлаб чиқдилар. Айниқса, Я.Фирбаснинг коммуникатив динамизм тўғрисидаги назарияси кўплаб лингвистик тадқиқотларда ўз аксини топди ва ривожлантирилди.

Соҳанинг забардаст вакилларидан яна бири М.Халлидей ҳисобланади. М.Халлидей, масала юзасидан чоп қилинган бир қанча мақола, тезис ва қўлланмаларида гапнинг коммуникатив структураси, унинг таркибий қисмлари, масаланинг нафақат жумла, балки матн кўламидаги муҳокамаси кенг ёритиб берилди [23]. Тилшунос ўз қарашлари ва ёндашувлари жиҳатидан ўзигача бўлган тадқиқотчилардан фарқли эканлиги билан ажралиб туради. Матезиусдан фарқли ўлароқ, гарчи у илгари сурган терминларни қўллаб-қувватласа-да, аввало ҳам формал, ҳам семантик нуқтаи назардан «бошланғич пункт» ҳисобланган тема тушунчасини фарқлаб олиш кераклигини таъкидлайди. Темадан ташқари барча синтактик бирликлар ремага тегишли ҳисобланади. Халлидей эганинг синтактик шакллари гапнинг коммуникатив перспективасини белгилаб беради, деган фикрга қўшилади. Халлидей, шунингдек, Фирбасдан фарқли ўлароқ, гапнинг актуал бўлинишига позиционал нуқтаи назардан қарайди. Унинг таъкидлашича, тема жойлашув ўрнига кўра характерланувчи компонентдир, яъни доим жумлани бошлаб беради [24. Б. 123 – 130]. Олимнинг Г.А.Б. назариясига қўшган ҳиссаларидан яна бири, бу жаҳон тилшунослари томонидан бирдек қўлланилувчи альтернатив терминлар ҳар доим ҳам бир-бирини ўрнига бир хил вазият учун қўлланила олмаслигини исботлаб берганидир.

М.Халлидей В.Матезиус каби тил учун лексик-грамматик асосдаги уч хил метафункция хос эканлигини айтади, яъни:

1) ғоявий метафункция (тажриба моделини яратади);

2) шахслараро метафункция (яъни ижтимоий муносабатларни шакллантиради);

3) текстуал метафункция (контекстга мувофиқликни яратиб беради) [25. Б. 152 – 155].

Мазкур метафункциялар берилган матн доирасида лингвистик танловларни таҳлил қилиш ва тушуниш имконини беради. Тема эса матннинг ғоявий, шахслараро ва текстуал маънолар билан таъминловчи «елим»дир [26. Б. 17]. Бундан ташқари, матнда кўзда тутилган хабарнинг муваффақиятли етиб бориши ва изчилликни таъминлашда унинг ўрни ниҳоятда каттадир.

Халлидей олиб борган изланишларнинг яна бир диққатга сазовор томони шуки, у матн метафункциясидан келиб чиққан ҳолда теманинг учта турини аниқлади, яъни: текстуал, шахслараро ва актуал (топикал).

Текстуал тема қўшма гаплар таркибида келиб, эргаш гапни бош гап билан боғлаш, шу орқали нутқ когезиясини таъминлаш вазифасини бажаради (боғловчи ва кириш сўзлар). Шахслараро тема сўзловчининг вазиятга шахсий муносабатини ва мушоҳадасини билдирувчи модал, ундов ва тақлид сўзлар ҳисобланади. Актуал тема учала тур орасида энг муҳими ҳисобланиб, деярли ҳар бир гапда мавжуд бўлади ва жумла бошида келади.

Мазкур таснифга энг тўғри ва кенг қамровли деб баҳо бериш мумкин. Бироқ тилнинг динамик ҳодиса эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳар қандай изланиш ва тадқиқот натижалари доимий янгиланиб, тўлдирилиб борилиши ва бу ютуқлар тилшунослик ривожига хизмат қилиши кераклиги замон талаби ҳисобланади

Халлидей актуал бўлиниш тушунчасини янада ривожлантирар экан «тематизация», яъни актуаллашиш фақатгина гап сатҳида эмас, балки бутун параграф ёхуд матн учун ҳам хос бўлган тушунча сифатида талқин қилиниши керак эканлигини таъкидлайди. Халлидей ўзининг «Функционал грамматикага кириш» китобида: «Параграфнинг мавзу жумласи темадан ўзга нарса эмас» [28. Б. 98] дейди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, параграфнинг асосий маъносини берувчи гап унинг тема қисмидир. Қуйида мисол келтирамиз:

Certain birds are, more often than not, considered bad luck, or even a sign of impending death. For example, all over the world, both crows and ravens have some connection to war, and death. In early times, crows and ravens were thought to accompany the gods of war, or be signs of the gods' approaching arrival [29. Б. 12]. (*Маълум қуш турларини кўпинча бахтсизлик, ҳаттоки яқинлашиб қолган ажал даракчилари дея эътироф этишади. Масалан, бутун дунёда қарға ва қузғунлар уруш ва ажал билан ёнма-ён қўйиб келинган. Қадим замонларда қарға ва қузғунлар уруш маъбудларига ҳамроҳ ёки уларнинг даракчиларидир дея фикр юритишган*)

Халлидей назариясига таяниб таҳлил қиладиган бўлсак, бу мисолда параграфдаги биринчи гап ўзининг контекстга олиб кирувчи хусусияти билан тема деб олиниши мумкин.

Ўзбек тилшунослари ҳам масала устида қизғин изланишлар олиб бордилар ва ҳозир ҳам бу давом этмоқда. Бир қатор олимлар олиб борган изланишларнинг натижаси ўлароқ ўзбек тилшунослиги ҳам масала юзасидан самарали ютуқларга эришдилар. Айтиб ўтиш жоизки, бундай ижобий кўрсаткичларда, албатта, жаҳон тилшунослигида масала юзасидан қўлга киритилган ютуқларнинг ҳам ҳиссаси бор. Ўзбек тилшунослари томонидан Г.А.Б. ҳодисасининг ўрганилиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, А.Нурмонов ва бошқаларнинг «Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси» қўлланмасида қуйидагича маълумот берилади: проф.А.Рустамовнинг оғзаки маълумотларига қараганда, Ўрта Осиё филологлари, хусусан, Замахшарий асарида ҳам бу ҳодиса маълум бўлган. Актуал бўлиниш қисмларини (тема ва ремани) ифодаловчи махсус терминлар ҳам қўлланган: «мавзу» ва «маҳмул» [30. Б. 96]. О.Бозоров эса ўтган асрнинг йигирманчи йилларида буюк аллома Фитрат ҳам тилшунос сифатида бу ҳодисага алоҳида эътибор берганини, у ўзининг «Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Наҳв» асарида мазмуний бўлаклар билан синтактик бўлаклар ўртасидаги муносабат, уларнинг ўзаро мувофиқ келиш ёки келмаслиги ҳақида ўз қарашларини баён қилиб, актуал бўлиниш қисмларини номлаш учун анъанавий «мавзу» ва «маҳмул» терминларидан фойдаланганини таъкидлайди [3. Б. 13 – 14]. Масала тўғрисидаги илк жиддий қарашлар ўзбек тилшунослари томонидан XX асрнинг сўнгги палласига келиб илгари сурила бошлади. М.Абдупаттоев, К.Ҳайитметов, М.Туропова, А.Нурмонов, А.Сафаев ва О.Бозоров сингари ўнлаб етук олимлар масала устида самарали изланишлар олиб бордилар.

Гап актуал бўлинишининг мулоқот самарадорлигига таъсири масаласи ҳам ана шундай муаммолар сирасида. Мулоқот интенцияси гапнинг актуал бўлинишини таҳрир қилиши аниқ. Аммо ана шундай таҳлил йўналишларини белгиловчи бирликлар табиатини очиб бериш тилшуносликнинг замонавий долзарб йўналишлари – суд лингвистикаси, гендер лингвистикаси, реклама лингвистикаси кабилар учун муҳимдир.

Хулоса қилиш мумкинки, гапнинг актуал бўлакларга бўлиниши назарияси бир неча юз йилликни қамраб олган узоқ тарихга эга бўлса ҳам,

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб лингвистик сатҳда жиддий масштабда ўрганила бошланди. Масала устида изланишлар нафақат лингвистик, балки мантиқий ва психологик ёндашувни ҳам талаб қилди, чунки тил ва тафаккур бирлиги гапнинг коммуникацион вазифасининг асоси ҳисобланади. Г.А.Б устида изланган тилшунос олимлар келгуси изланишлар тараққиётига ҳисса қўшувчи бир қанча юксак натижаларга эришди, бироқ ҳали кўплаб масалалар ўз ечимини кутмоқда.

Адабиётлар:

1. *Крылова О.А.* Коммуникативный синтаксис русского языка: автореф. дис. … д-ра филол. наук. – Москва, 1993.– 26 с.

2. *Саттарова А.Ф.* Из истории изучения актуального членения предложения // Молодой ученый, 2014. – №4. – С. 121 – 123.

3. *Бозоров О*. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив (актуал) тузилиши: Филол. фан. номз. ...дисс. – Фарғона, 2004. – 125 б.

4. *Ping A.L*. Theme and Rheme: An Alternative Account. – Bern: Peter Lang, 2004. – 299 p.

5. Энциклопедия кругосвет. Субъект. [Электрон манба] //http://www.krugosvet.ru/enc/gumanitarnye_nauki/lingvistika/SUBEKT.html (Мурожаат этилган сана: 20.12.2019)

6. *Пауль Г.* Принципы истории языка. – Москва: Иностранная литература, 1960. – 106 с.

7. *Kiss E.K.* Pioneering theory of information structure //Acta Linguistica Hungarica, 2008. – Vol. 55 (1–2). – Pp. 23 – 40.

8. *Пешковский А.М*. Русский синтаксис в научном освещении. – Москва: Языки славянской культуры, 2001. – 237 с.

9. *Огиенко Е.А.* Генезис и становление явления актуального членения предложения: Пражская лингвистическая школа// Филологические науки. Вопросы теории и практики, 2013. – № 4 (22). – С. 132 – 136.

10. *Матезиус В*. О так называемом актуальном членении предложения // Пражский лингвистический кружок: Сб. статей. – Москва, 1967. – С. 239 – 245.

11.*Firbas J.* Functional sentence perspective in written and spoken communication. – Cambridge: Cambridge University Press, 1992.–239 p.

12. Communicative dynamism. [Электрон манба] //http://www.glottopedia.org/index.php/Communicative_dynamism (Мурожаат этилган сана: 11.01.2020)

13. *Hajičová E*. Vilem Mathesius and Functional Sentence Perspective, and Beyond. A Centenary of English Studies at Charles University: from Mathesius to Present day Linguistics. Eds. Marketa Mala and Pavlina Šaldova. – Prague: Charles University, 2012. – Pp. 49 – 62.

14. *Фирбас Я*. Функции вопроса в процессе коммуникации //Вопросы языкознания, 1972. – №2. – С. 55 – 65.

15. *Адамец П.* Порядок слов в современном русском языке / П.Адамец. – Praha: Academia, 1966. – 189 с.

16. *Beneš E.* On two aspects of functional sentence perspective //Travaux linguistiques de Prague. – 1968. – Т. 3. – С. 264 – 274.

17. *Распопов И.П.* Актуальное членение предложения. – Уфа: Издательство Башкирский государственный университет, 1961. – 163 с.

18. *Крушельницкая К.Г*. К вопросу о смысловом членении предложения// Вопросы языкознания, 1956. – №5. – С. 54 – 58.

19. *Ковтунова И.И.* Современный русский язык. Порядок слов и актуальное членение предложения. – Москва: Просвещение, 1976. – 239 с.

20. *Лаптева О.А*. Нерешенные вопросы теории актуального членения // Вопросы языкознания, 1972. – № 2.– С. 35 – 47.

21. *Лаптева О. А.* Некоторые понятия теории актуального членения применительно к высказыванию в разговорной речи //Филологические науки, 1973. – №6. – С. 46 – 56.

22. *Николаева Т.М.* Актуальное членение – категория грамматики текста // Вопросы языкознания,1972. – № 2. –С. 48 – 54.

23. *Halliday, M.A.K.* Functional diversity in language as seen from a consideration of mood andmodality in English //Foundations of language, 1970. – No2. – Pp. 189 – 213.

24. *Halliday, M.A.K.* Notes on transitivity and theme in English Part 1 // Journal of Linguistics, 1967. – No2. – Pp. 123 – 130.

25. *Butler C., Halliday M. A. K., Fawcett R.* Meaning and form: Systemic functional interpretations//Advances in discourse processes, 1996. – Vol. XVII. – Pp. 152 – 155.

26. *Halliday, M.A.K.* Language, context and text: Aspects of language as social semiotic. – Geelong: Deakin University Press, 1985. – 414 p.

27. *Halliday, M.A.K*. An Introduction to functional grammar. – London: Edward Arnold, 2004. – 700 p.

28. *Salih N.A.R.* Theme and rheme. Types and problems in EFL University students` written texts. – University of Basra, 2014.– Pp.93 – 114.

29. *Malarcher C, Janzen A.* Reading challenge III. – Japan:Compass Publishing, 2010. –129 p.

30. Нурмонов А., Маҳмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992. – 294 б.

HISTORY AND MAIN DIRECTIONS OF THE STUDY OF THE THEORY OF THE ACTUAL DIVISION OF THE SENTENCE

Sh.H.Shahobiddinova[1], D.Sh.Egamnazarova[2]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2020. 5(49). 84 – 92.
[1,2]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: communicative content, theme, rheme, basis, nucleus, psychological subject and predicate, logical stress, intonation, word order, communicative dynamism.

The doctrine of the actual division of the sentence has a history of more than three hundred years. By the 18th century, French linguists N.Boze and E.Condillac, and 19th century German linguists K.Becker and S.Gerling made important contributions to the development of this doctrine. The evolutionary development of the concept was accelerated by the research of Henri Weil. Many famous linguistic in the field linguists developed their views on the basis of A.Weil's theory. However, the fundamental approach for the most effective research is based on the theories put forward by G.Gabelentz, V.Mathesius, or M.A.Halliday and their followers, who, although they have a single basis, have drastic differences in terms of approach. So it would be no exaggeration to state that the scientists who conducted the research on the actual division may be divided into three groups.Weil's ideas were initially interpreted psychologically. The concept of distinguishing a psychological subject from a grammatical subject was first proposed by G.Steinthal and was substantiated and progressed by proficient scholars as G.von de Gabelents, G.Paul, A.Marti, S.Brassai, F.F.Fortunatov, A.M.Peshkovsky, A.Shakhmatov. In particular, Georg von de Gabelentz calls the first mental image, which functions as a speech predicate, a «psychological subject,» and the second, which provides information about a psychological subject, a «psychological predicate».Views on the actual division of the sentence were further analyzed and developed by Vilém Mathesiusand representatives of the Prague School of Linguistics.V. Mathesius focused on the form, function, and meaning of the sentence. The development of concept was supported by a number of followers of V.Mathesius, J.Firbas, P.Adamets, P.Sgall, E.Gaichova, E.Benesh, L. In Russian linguistics, too, the views of V.Mathesius were widely interpreted, and the actual division became one of the main problems of communicative syntax. The scientific research of many linguists, such as I.P.Raspopov, K.G.Krushelnitskaya, I.I.Kovtunova, O.A.Lapteva, A.L.Pumpyanskiy, T.M.Nikolaeva, are examples of this. Another representative of the field, M.Halliday, described in detail the communicative structure of the sentence, its components, the features of the problem not only in the sentence, but also in the text level. Halliday argues that the actual division should be interpreted not only at the speech level but also as a concept specific to the entire paragraph or text.By Uzbek linguists the study of the phenomenon began to advance towards the end of the twentieth century. In the works of linguists such as K.Hayitmetov, M.Abdupattoyev, M.Turopova, A.Safayev, A.Nurmonov and O.Bozorov, problematic issues of the concept were analyzed in a peculiar way.

References:

1. Krylova, O.A. (1993) Kommunikativnyj sintaksis russkogo yazyka [Communicative syntax of Rusian]. Abstract of Dissertation for the degree of Doctor of Philological Sciences. Moscow.

2. Sattarova, A.F. (2014) Iz istorii izucheniya aktual'nogo chleneniya predlozheniya [From the history of the study of the actual division of the sentence]. *Molodoj uchenyj*. No 4. Pp. 121-123.

3. Bozorov, O. (2004) O'*zbek tilida gapning kommunikativ (aktual) tuzilishi* [Communicative (actual) structure of the sentence in the Uzbek language]. The dissertation for the degree of candidate of philological sciences. Fergana.

4. Ping, A.L. (2004) Theme and Rheme: An Alternative Account. Bern: Peter Lang. Pp. 23-24.

5. Ensiklopediya krugosvet. Subyekt. Internet resource // http://www.krugosvet.ru/enc/gumanitarne_nauki/lingvistika/SUBEKT.html (Date of access: 20.12.2019)

6. Paul, G. (1960) *Principy istorii yazyka* [The principles of language history]. Moscow: Inostrannaya literature.

7. Kiss, E.K.(2008) Pioneering theory of information structure*. Acta Linguistica Hungarica*, Vol.55 (1-2). Pp. 23-40.

8. Peshkovskiy, A.M. (2001) *Russkij sintaksis v nauchnom osveshchenii* [Russian syntax in scientific enlightenment]. Moscow: Yazyki slavyanskoj kul'tury.

9. Ogienko, Ye.A. (2013) Genezis i stanovlenie yavleniya aktual'nogo chleneniya predlozheniya: Prazhskaya lingvisticheskaya shkola [The genesis and maintaining of the actual division of the sentence: Prague linguistic school]. *Filologicheskie nauki. Voprosy teorii i praktiki.* No 4 (22). Pp. 132-136.

10. Matezius, V.(1967) O tak nazyvaemom aktual'nom chlenenii predlozheniya [On the so-called actual division of the sentence]. Prazhskij lingvisticheskij kruzhok: Sbornik stat'ej [Progress Prague linguistic circle: collection of articles]. Moscow. Pp. 239-245.

11. Firbas, J. (1992) Functional sentence perspective in written and spoken communication. – Cambridge: Cambridge University Press. Pp.56-58.

12. Communicative dynamism. Internet resource// http://www.glottopedia.org/index.php/Communicative_dynamism (Date of access: 11.01.2020)

13. Hajičová, E. (2012) *Vilem Mathesius and Functional Sentence Perspective, and Beyond. A Centenar*y of English Studies at Charles University: from Mathesius to Present day Linguistics. Eds. Marketa Mala and Pavlina Šaldova. Prague: Charles University. Pp. 49 – 62.

14. Firbas, J. (1972) Funkcii voprosa v processe kommunikacii [Functions of interrogatives in the process of communication]. *Voprosy yazykoznaniya*. No 2. Pp. 55-65.

15. Adamec, P. 1966) *Poryadok slov v sovremennom russkom yazyke* [Word order in modern Russian]. Praha: Academia.

16. Beneš, E. (1968) On Two Aspects of Functional Sentence Perspective // Travaux linguistiques de Prague. Vol.3. Pp. 267-274.

17. Raspopov, I.P.(1961) *Aktual'noe chlenenie predlozheniya* [The actual division of the sentence] . Ufa: Izdatel'stvo Bashkirskij gosudarstvennyj universitet.

18. Krushel'nickaya, K.G. (1956) K voprosu o smyslovom chlenenii predlozheniya [To the question of semantic division of the sentence]. *Voprosy yazykoznaniya*. No 5. Pp. 55-67.

19. Kovtunova, I.I.(1976) *Sovremennyj russkij yazyk. Poryadok slov i aktual'noe chlenenie predlozheniya* [The Modern Russian Language. Word order and the actual division of the sentence]. Moscow: Prosveshchenie.

20. Lapteva, O.A. (1972) Nereshennye voprosy teorii aktual'nogo chleneniya [Unsolved problems of the theory of the actual division]. *Voprosy yazykoznaniya*. No 2. Pp. 35-47.

21. Lapteva, O.A. (1973) Nekotorye ponyatiya teorii aktual'nogo chleneniya primenitel'no k izucheniyu vyskazyvaniya v razgovornoj rechi [Some notions of the actual division in terms of studying the sentence in conversational speech]. *Filologicheskie nauki*. No 6. Pp. 46-56.

22. Nikolaeva, T.M. (1972) Aktual'noe chlenenie – kategoriya grammatiki teksta [Actual division- the category of text grammar]. *Voprosy yazykoznaniya*. No 2. Pp. 48-54.

23. Halliday, M.A.K. (1970) Functional diversity in language as seen from a consideration of mood and modality in English. *Foundations of language*. No 2. Pp. 189-213.

24. Halliday, M.A.K. (1967) Notes on transitivity and theme in English Part 1. *Journal of Linguistics*. No 2. Pp.123-130.

25. Butler, C., Halliday, M.A.K., Fawcett R. (1996) Meaning and form: Systemic functional interpretations. *Advances in discourse processes.* Vol. XVII. Pp. 152-155.

26. Halliday, M.A.K. (1985) *Language, context and text: Aspects of language as social semiotic.* Geelong: Deakin University Press.

27. Halliday, M.A.K. (2004) *An Introduction to functional grammar*. London: Edward Arnold.

28. Salih N.A.R. (2014) Theme and rheme. Types and problems in EFL University students` written texts. University of Basra. Pp. 93-114.

29. Malarcher C, Janzen A. (2010) *Reading challenge III*. Japan: Compass Publishing.

39. Nurmonov, A (et al.) (1992) *O'zbek tilining mazmuniy sintaksisi* [Contextual syntax of the Uzbek language]. Tashkent: Fan.

Муаллифлар ҳақида маълумот:

ШАҲОБИДДИНОВА Шоҳида Хошимовна – филология фанлари доктори, Андижон давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори. E-mail: shohidas3@mail.ru

ЭГАМНАЗАРОВА Дурдона Шуҳратиллаевна – Андижон давлат университети инглиз тили грамматикаси кафедраси ўқитувчиси. E-mail: durdona-e@mail.ru